



Олимлар Ер юзида қачонлардир рўй берган воқеаларни рўй-рост таҳлил қилиш учун анча-мунча қуч-ғайрат сарфлашди. Улар қадимги шаҳарларни топишди ва қазилмалар ўтқазилди, қармга, сополга, тошга, шунингдек, тангаларга битилган сирли ёзувларни ўқилди. Инсоният содда меҳнат қуролларини яшадан то ҳунармандчилик дурдоналарини яратилганча, оддий бошпана қуриб олишдан то шаҳарларни бунёд этилганча бўлган узок йўлни босиб ўтди. Ер юзида одам пайдо бўлганидан то миллодий 476 йилда Ғарбий Рим империяси қулагунига қадар кечган воқеалар Қадимги дунё тарихи деб аталади.

Археологлар қадимги замонларда одамлар яшаган манзилгоҳларда қазилма ишларини амалга оширилди. Антропологлар қадимги одамларнинг суяк қолдиқларини текшириб, уларнинг ташки қиёфасини тиклайдилар ва ривожланишини ўрганадилар. Лингвистлар, яъни тилшунослар у ёки бу ҳозирги замон тили қай йўсинда шаклланишини тушуниб олиш мақсадида қадимги тилларни тадқиқ этадилар.

Ёзма манбалар топилиши билан олимларда кадимги минг йилликлар тарихини тиклаш осонлашди. Олимлар ўқиган кадимги матнлар, масалан, «Пирамидалар матнлари» ва «Мархумлар китоби» мисрликлар тарихи ҳақида, «Ригведа» - хиндлар, «Авесто» эса Ўрта Осиё халклари тарихидан ҳикоя қилади. Нил водийсидаги Миср пирамидалари, Дажла ва Фрот оралигидаги Бобил, Хинд водийсидаги Мохенжодаро, Эрондаги Персеполис, Юнонистон, Рим ва Ўрта Осиёнинг қўллаб кадимги шаҳарлари бутун жаҳонга машҳур.

Энг кадимги одамлар дастлабки меҳнат қуроллари тошдан ясагани туфайли археологлар инсоният тарихининг бошланишини «тош даври» деб аташади. Тош даври анча узок давом этган ва шунинг учун ҳам уни қуйидаги босқичларга ажратишади, жумладан (А.Сагдуллаев. Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун «Тарих» дарслиги. Тошкент. 2017 й.):

- кадимги тош даври - милоддан аввал 1 миллион - 12 минг йиллик (палеолит);
- ўрта тош даври - милоддан аввал 12-7 минг йиллик (мезолит);
- янги тош даври - милоддан аввал 6-4 минг йиллик (неолит);
- мис-тош даври - милоддан аввал 4-3 минг йиллик (энеолит).

Милоддан аввалги 3 минг йиллик ўрталаридан бошлаб аста-секин меҳнат қуроллари, қурол-яроқлар ва зеб-зийнатлар тайёрлашда ишлатилувчи бронза асосий материалга айланиб борди.

Одамлар мис ва бронзага ишлов берган даврлардан қўп асрлар ўтиб, факат милоддан аввалги 1 минг йиллик бошларидагина темирдан меҳнат қуроллари ясаш имконияти пайдо бўлди.

Олимлар тош даврининг биринчи босқичини уч қисмга ажратадилар:

- 1) илк - милоддан аввал 1 миллион - 100 минг йил-лик;
- 2) ўрта - милоддан аввал 100-40 минг йиллик;
- 3) сўнги - милоддан аввал 40-12 минг йиллик.

Милоддан аввалги 4-минг йиллик бошларида одамлар Мисрдаги Нил дарёси қирғоқларидаги, Месопотамиядаги Дажла ва Фрот ҳамда Хиндистоннинг Хинд ва Ганга дарёлари орасидаги ерларни ўзлаштиришни бошлашган. Нил дарёсининг ҳар иккала қирғоқларидаги тупроқ қора серхосил тупроқ бўлгани учун водийликлар юртга «Миср» - «Қора тупроқ» деб ном беришган.

Мисрда вақт ўтиши билан аста-секин қабила сардорлари ҳукмдорларга - подшоларга айланишди, оксоқоллар эса бошқарув ишларида уларга ёрдам беришарди. Қохинлар эса алоҳида мавқе ва нуфузга эга бўлишган. Қохинлар диний маросимларни бажаришар,

муҳим ишлар олдидан худолардан мадад сўраб илтижо қилишар эди.

Мисрда иккита подшо ҳукмдорлик қилган. Биттаси Қуйи (Шимолий) Мисрда, бошқаси эса Юқори (Жанубий) Мисрда давлатни бошқарган. Милоддан аввалги 3 минг йилликда иккала давлат ўртасида бошланган урушда Юқори Миср ҳукмдори Менес галаба қозонди. У бирлашган мамлакатнинг биринчи ҳукмдори, яъни Фиръавн бўлди. Ягона ва бирлашган давлат учун янги пойтахт Мемфис шаҳри барпо этилди.

Милоддан аввалги икки минг олти юзинчи йилликларда Мисрда энг катта пирамида қурилган. Унинг баландлиги 147 метр бўлиб, ҳар бири икки тоннадан ортиқ бўлган 2,5 миллион дона тош бўлақларидан ташкил топган. Тош бўлақларининг ораси 0,5 миллиметрдан ошмайди.

Миср аҳолиси учун дин қундалиқ турмушнинг ажралмас бир бўлаги ҳисобланган.

Қадимги мисрликлар худолар ҳайвонлар сиймосига ўтиб олиб, мушук, қўй, ҳўкиз, арслон, сигир шаклида одамлар орасида яшайди деб ҳисоблашган. Мисрликлар худоларнинг бир қанча жони мавжуд: улардан бири ҳайвон танасида, бошқаси эса ҳайкалида яшайди деб билишарди.

Дажла ва Фрот дарёлари оралигидаги водийни юнонлар Месопотамия деб номлашган, бу атама таржимаси икки дарё оралиги деган маънони англатади. Месопота-мияга Кавказорти ва Эрон ўлкалари қўшни ҳисобланган. Милоддан аввалги 4-минг йиллик охирида Месопотамияда катта-катта шаҳарлар вужудга кела бошлади. Улар шаҳар-давлатлар деб номланган. Шаҳар-давлатлар тепасида ҳукмдорлар турган.

Милоддан аввалги 3-минг йилликда шаҳарлар орасида энг қудратлиси Ур шаҳри бўлган. Археологлар қазиб очган подшолар макбарасидаги топилмалар ҳам Урнинг қуч-қудратидан далолат беради. Булар олтин буюмлар, дабдабали қурол-яроғлар, қумуш идишлардир.

Шаҳар-давлатлар бир-бири билан тинимсиз урушар эди. Милоддан аввалги 2-минг йилликда Бобил подшолиги Месопотамия жанубидаги энг йирик қудратли давлатга айланди. Бобил шаҳрида ажойиб саройлар, мухташам ибодатхоналар бўлган.

Хинд ва Ганга дарёлари орасига жойлашган Хиндистон мамлакати ҳам табиий шароити жиҳатидан Миср ва Месопотамияга ўхшаб кетади. Милоддан аввалги 3-минг йилликда Хинд дарёси водийсида ягона давлатга бирлашган катта шаҳарлар вужудга келган.

Демак, олимлар қадимги ёзма маълумотларга асосан, милоддан аввалги 4-минг йиллик ҳақидаги тарихни тиклашга муваффақ бўлдилар.

Умарбек Абдурахмонов

"Эволюция назарияси ва Одам Ато" китобидан